Лойиҳа-смета ҳужжатини ишлаб чиқиш учун

04/22 -сон пудрат ШАРТНОМАСИ

Навоий ш. 2022 й. «28» 04

«Самойўллойиҳа» МЧЖ, бундан буён матнда **«Лойиҳаловчи»** деб юритилади, Устав асосида фаолият юритувчи **«Самойўллойиҳа» маъсулияти чекланган жамияти директори Н.А.Норматов** номидан, бир томондан ва **Навоий вилояти хокимияти Ягона Буюртмачи Хизмати Инжиниринг Компанияси**, бундан буён матнда **«Буюртмачи»** деб юритилади, Устав асосида фаолият юритувчи **Директор А.Б.Турдиев** номидан, иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида мазкур Шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур Шартномага асосан «**Лойиҳаловчи**» «**Буюртмачи**»нинг топшириғига кўра **Томди тумани Янги Томди «Томдибулоқ» ОФЙ қўрғони кўчасининг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш объекти лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш ва муаллифлик назоратини олиб бориш (Топосиёмка, диогностика ва Давлат экспертиза хулосаси харажатлари билан)** (бундан буён матнда «Маҳсулот» деб юритилади) ишлаб чиқиш мажбуриятини олади, «**Буюртмачи**» эса, бунда, «**Лойиҳаловчи**»га Лойиҳалаш топшириғини ва дастлабки керакли маълумотларни тақдим этиш, бажарилган ишларни қабул қилиш ва иш ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. «**Лойиҳаловчи**» қайд этилган ишларни мазкур Шартнома ҳужжатларига ва амалдаги меъёрий ҳужжатларга, шу жумладан ШНК 1.03.01-16 талабларига мувофиқ амалга оширади ва якунлайди.

1.3. Ишларнинг асосий босқичларининг (бундан буён матнда «Ишлар» деб юритилади) таркиби, қиймати, бажарилиш муддатлари мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган қуйидаги иловалар билан белгиланади:

- шартнома нархи тўғрисида баённома (1-сон илова);
- ишларнинг календарь режаси (2-сон илова);
- шартнома нархининг асосланиши (3-сон илова);
- лойиҳа ишлари сметаси (4-сон илова).

2. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. «**Буюртмачи**» қуйидаги мажбуриятларга эга:

2.1.1. «**Лойиҳаловчи**»га «Маҳсулот»ни ишлаб чиқариш учун керакли ШНК 1.03.01-16нинг 1-сон иловаси рўйхатида кўрсатилган Лойиҳалаш топшириғини, шунингдек, бошқа дастлабки маълумотларни бериш, айнан эса:

1) қурилиш учун ер участкасини (трассани) танлаш далолатномаси;

2) белгиланган тартибда тузилган архитектура-режалаш топшириғи;

3) картографик (топографик) материаллар: мавжуд муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялари, электр таъминот манбалари, алоқа, газ таъминоти, иссиқлик таъминоти ва оқова сувларни чиқариб ташлаш жойлари билан жойланиш режаси; бош режа схемаси; муҳандислик-геология, муҳандислик-гидрометеорология қидирув ишлари материаллари;

4) лойиҳалаштирилаётган объектни таъминот манбаларига, муҳандислик тармоқлари ва коммуникацияларига улаш юзасидан техник шартлар (техник шартлар одатда Тарафларнинг ўзаро келишувига кўра белгиланган муддат давомида, объектни лойиҳалаш ва қуриш даврида ўзгартирилмаслиги керак);

5) якка тартибда ишлаб чиқариладиган ускуналар бўйича дастлабки маълумотлар, шу жумладан йирик технологик ускунанинг техник лойиҳаси материаллари, шунингдек импорт ускуналар тўғрисидаги маълумотлар;

6) участкадаги мавжуд бинолар, иншоотлар, ерости ва ерусти тармоқлари ва коммуникациялари қурилишининг ўлчов чизмалари;

7) қурилишни ташкиллаштириш лойиҳасини тузиш учун дастлабки маълумотлар;

2.1.2. «**Лойиҳаловчи**»га мазкур Шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда ишлар қийматини тўлаш;

2.1.3. «**Лойиҳаловчи**»дан олинган «Маҳсулот»дан фақат мазкур Шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, «Маҳсулот»ни учинчи шахсларга бермаслик ва «**Лойиҳаловчи**»нинг розилигисиз ундаги маълумотларни ошкор қилмаслик;

2.1.4. Зарур ҳолларда, «**Лойиҳаловчи**»ни жалб этган ҳолда, тайёр «Маҳсулот»ни тегишли давлат органлари ва ташкилотлари билан мувофиқлаштириш;

2.1.5. Ишлаб чиқилган «Маҳсулот»нинг камчиликлари туфайли учинчи шахс томонидан «**Буюртмачи**»га нисбатан қўзғатилган даъво бўйича ишда иштирок қилишга «**Лойиҳаловчи**»ни жалб этиш.

2.2. «**Лойиҳаловчи**» қуйидаги мажбуриятларга эга:

2.2.1. Лойиҳалаш топшириғи ва ишларни бажариш учун дастлабки материаллар талабларига риоя этиш, ишларни уларга мувофиқ бажариш;

2.2.2. «**Буюртмачи**» билан бирга, зарур ҳолларда, тайёр «Маҳсулот»ни тегишли давлат органлари ва ташкилотлари билан мувофиқлаштиришда иштирок қилиш;

2.2.3. Мазкур Шартнома билан белгиланган муддатларда «**Буюртмачи**»га тайёр «Маҳсулот»ни топшириш;

2.2.4. «**Буюртмачи**»нинг розилигисиз тайёр «Маҳсулот»ни учинчи шахсларга бермаслик.

2.2.5. «**Лойиҳаловчи**» тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва ШНК 1.03.07-20100га мувофиқ ушбу объектни қуриш учун Муаллифлик назорат хизматларини кўрсатишни қурилиш тугагунга қадар ўз зиммасига олади.

2.3. «**Буюртмачи**» қуйидагиларга ҳуқуқларга эга:

2.3.1. «Маҳсулот»да Лойиҳалаш топшириғи билан боғлиқ бўлмаган камчиликлар аниқланган ҳолатда, «Маҳсулот»нинг бепул қайта ишланишини талаб қилиш.

2.4. «**Лойиҳаловчи**» қуйидагиларга ҳақли:

2.4.1. Лойиҳалаш топшириғи бўйича ишларни бажариш учун дастлабки материаллардаги бошқа талаблардан фақат «**Буюртмачи**»нинг розилиги билан четга чиқиш;

2.4.2. Олдиндан тўлов тушиши муддатлари ва миқдорига, дастлабки материаллар ўз вақтида тақдим қилинмаслигига, шунингдек олдинги иш босқичлари учун тўловларга қараб ишларни бажариш жадвалига тузатиш киритиш.

3. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Қуйидаги шартларнинг барчаси бажарилган сана ишлар бошланиши ҳисобланади:

3.1.1. «**Лойиҳаловчи**»нинг ҳисобварағига аванс тушиши;

3.1.2. Лойиҳалаш топшириғи ва мазкур Шартномага тегишли бошқа ҳужжатларнинг белгиланган тартибда тасдиқланиши ва мувофиқлаштирилиши;

3.1.3. Тасдиқланган Лойиҳалаш топшириғи ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ лойиҳалаш учун керакли барча дастлабки маълумотларнинг «**Буюртмачи**» томонидан тақдим қилиниши.

3.1.4. Ишларни бажариш календарь муддатлари юқорида қайд этилган шартлар бажарилиши кечиктирилган вақтга сурилади.

3.2. Ишлар (ишлар босқичи) якунлангандан сўнг, «**Лойиҳаловчи**» «**Буюртмачи**»га «Маҳсулот» («Маҳсулот»нинг бир қисми)ни юкхатига асосан топширади ҳамда Лойиҳалаш топшириғи ва мазкур Шартнома шартлари билан назарда тутилган қабул қилиш-топшириш далолатномасини тақдим қилади.

3.3. «**Буюртмачи**» «Маҳсулот»ни олгач, 10 кун давомида қуйидагиларни бажариши шарт:

3.3.1. «Маҳсулот»ни қабул қилишни амалга ошириши ва «**Лойиҳаловчи**»га имзоланган қабул қилиш-топшириш далолатномасини юбориши;

3.3.2. Ёхуд «Маҳсулот»ни қабул қилишни рад этиши ва «**Лойиҳаловчи**»га асосланган рад жавобини юбориши.

3.4. Асосланган рад жавоби юборилган ҳолатда, камчиликларни тўғрилаш рўйхати ва бажарилиш муддатлари кўрсатилган икки томонлама далолатнома тузилади.

3.5. «**Буюртмачи**» томонидан мазкур Шартноманинг 3.3. бандида белгиланган муддатда асосланган рад жавобисиз имзоланган қабул қилиш-топшириш далолатномаси мавжуд бўлмаган ҳолатда, «Маҳсулот» қабул қилинган ҳисобланиб тўлов амалга оширилиши керак.

4. ИШЛАР ҚИЙМАТИ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

4.1. Мазкур Шартнома бўйича амалга ошириладиган ишлар қиймати etendir.uzex электрон харид танлов комиссиясининг 2022 йил "25" 04 санасидаги 40985 -сонли ЛОТга асосан **ҚҚС билан 36 850 000 (ўттиз олти миллион саккиз юз эллик минг) сўмни ташкил этади, шу жумладан 15% - ҚҚС – 4 806 000 (тўрт миллион саккиз юз олти минг) сўм.**

4.2. «**Буюртмачи**» «**Лойиҳаловчи**»нинг ҳисоб рақамига қуйидаги тартибда ўтказмани амалга ошириш орқали мазкур Шартнома бўйича ҳақ тўлайди:

- мазкур Шартнома имзоланган ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги муассасасида рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан 5 кун мобайнида амалга ошириладиган ишларнинг 30% миқдорида олдиндан тўлов;
- Шартноманинг қолган 70% тўлови буюртмачининг ғазначиликдаги ҳисоб варағига маблағ келиб тушган кундан сўнг 3 иш куни ичида тўлаб беради.

4.4. «**Буюртмачи**» томонидан белгиланган тартибда ишларга олдиндан ҳақ тўлаш бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ҳолатда, «**Лойиҳаловчи**» Шартномани бир томонлама тартибда бекор қилишга ҳақли.

4.5. Шартнома билан белгиланган муддатда қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланмаган ва асосланган рад жавоби тақдим қилинмаган ҳолатда, «**Лойиҳаловчи**» иқтисодий судга даъво ариза билан мурожат этиш ҳуқуқига эга.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун Тарафлар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

5.2. «**Лойиҳаловчи**» «Маҳсулот» камчиликлари, шу жумладан «Маҳсулот» асосида барпо этилган объект қурилиши ва ундан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун фақат қуйидаги ҳолатларда жавобгар бўлади:

- агар ушбу камчиликлар «Маҳсулот»га мустақил равишда («**Буюртмачи**» хабардор қилинмаган ҳолда) ўзгартишлар киритилиши билан боғлиқ бўлса: Ушбу ҳолатларда, «**Лойиҳаловчи**» ҳар икки тараф томонидан белгиланган муддатларда «Маҳсулот»нинг бепул қайта ишланишини амалга ошириши шарт.

5.3. Мазкур Шартнома бўйича ҳақ тўланмаганлик (ўз вақтида тўланмаганлик) учун «**Буюртмачи**» «**Лойиҳаловчи**»га тўлов муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун ўз вақтида тўланмаган сумманинг 0,1% миқдорида, бироқ тўланмаган тўлов суммасининг 50% дан юқори бўлмаган миқдорида жарима (пеня) тўлайди.

5.4. Ишлар ўз вақтида бажарилмаганлиги учун «**Лойиҳаловчи**» «**Буюртмачи**»га кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,1% миқдорида, бироқ ўз вақтида бажарилмаган ишлар қийматининг 50% дан юқори бўлмаган миқдорида жарима (пеня) тўлайди.

5.5. Мазкур Шартнома муддатидан олдин бекор қилинган ҳолатда, ташаббусчи Тараф 10 кун ичида бошқа Тарафга шартномани бекор қилиш истаги тўғрисида билдириш хати юбориши керак, бунда Тарафлар Шартномага асосан ҳужжатлар билан тасдиқланган ва амалда бажарилган ишлар бўйича ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширадилар.

5.6. «**Буюртмачи**» «**Лойиҳаловчи**»нинг айби билан пайдо бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликларни аниқлаган тақдирда, «**Буюртмачи**»нинг талабига биноан «**Лойиҳаловчи**» икки ҳафта ичида лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта тайёрлаб беришга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Мазкур Шартнома ҳар икки Тараф томонидан имзоланган ва Ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан кучга киради ҳамда 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

6.2. Шартномага киритилган барча ўзгартиришлар қўшимча келишув орқали расмийлаштирилади.

6.3. Мазкур Шартнома бир хил юридик кучга эга, бир нусхаси «**Лойиҳаловчи**», икки нусхаси «**Буюртмачи**» учун, жами уч нусхада тузилди.

6.4. Мазкур Шартномага барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар фақат Тарафлар томонидан ўзаро тасдиқланган ҳолатда юридик кучга эга бўлади ва қўшимча битим ёки келишмовчиликлар баённомаси шаклида амалга оширилади.

6.5. Мазкур Шартнома исталган Тараф ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин.

6.6. Мазкур Шартнома билан ҳал қилинмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

6.7. Тарафлар ўртасидаги барча низолар ўзаро келишувга эришилмаса Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ суд тартибида ҳал қилинади.

6.8. Форс-мажор вазиятлар юзага келган ҳолатда, Тарафлар ўз ҳаракатларида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига амал қиладилар.

7. ИЛОВАЛАР

7.1 1-сон илова – Шартнома нархи тўғрисидаги баённома;
7.2. 2-сон илова – Ишларнинг календарь режаси;
7.3. 3-сон илова – Шартнома нархининг асосланиши;
7.4. 4-сон илова – Лойиҳа ишлари сметаси.

8. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

«Лойиҳаловчи»	«Буюртмачи»
«Самойўллойиҳа» масъулияти чекланган жамияти	**Навоий вилояти хокимияти Ягона Буюртмачи Хизмати Инжиниринг Компанияси**
210109 Навоий ш., Низомий кўчаси, 24уй	**Навоий ш., Навоий кўч. 63.**
тел.: 79225-9574,	**тел: (0 436) 224-08-81**
х/р 2020 8000 8043 5466 9001	**МФО:00014, ИНН:204775508**
АТБ «Ипак йўли» Навоий филиали	**ОКОНХ: 66000, Ўз.Рес. Молия Вазирлиги Ғазначилиги**
МФО 00 199	**х/р 23402000300100001010, ХККМ**
СТИР 205 234 522	**Марказий банк Тошкент ш.**
ОКЭД 66 000	**МФО: 00014 ИНН:201122919**
	ШХР: 10002186012401701680101819 4
Н.Норматов	**А.Турдиев**
	Юрист К.Курбанов

2022 йил «28» 04 даги
04/22-сон шартномага
1-сон илова

Томди тумани Янги Томди «Томдибулоқ» ОФЙ қўрғони кўчасининг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш объекти лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш ва муаллифлик назоратини олиб бориш (Топосиёмка, диогностика ва Давлат экспертиза хулосаси харажатлари билан) учун келишилган нархи тўғрисида битим

БАЁННОМАСИ

Биз, қуйида имзоловчилар, «**Буюртмачи**» номидан **Навоий вилояти хокимияти Ягона Буюртмачи Хизмати Инжиниринг Компанияси Директори А. Турдиев** ва «**Лойиҳаловчи**» номидан **"Самойўллойиҳа" МЧЖ директори Н.А.Норматов**, шуни тасдиқлаймизки, Тарафлар томонидан лойиҳа-смета ҳужжатини ишлаб чиқиш учун келишилган нархининг миқдори: **ҚҚС билан 36 850 000 (ўттиз олти миллион саккиз юз эллик минг) сўмни ташкил этади, шу жумладан 15% - ҚҚС – 4 806 000 (тўрт миллион саккиз юз олти минг) сўм.**

Мазкур баённома «**Буюртмачи**» ва «**Лойиҳаловчи**» ўртасида ўзаро ҳисоб-китоблар ва тўловларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

«Лойиҳаловчи»	**«Буюртмачи»**
ташкилот раҳбари	**ташкилот раҳбари**
_____ **Н.Норматов**	_____ **А.Турдиев**
м.ў.	м.ў.

2022 йил «28» 04 даги
04/22-сон шартномага
2-сон илова

Томди тумани Янги Томди «Томдибулоқ» ОФЙ қўрғони кўчасининг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш объекти лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш ва муаллифлик назоратини олиб бориш (Топосиёмка, диогностика ва Давлат экспертиза хулосаси харажатлари билан) учун
КАЛЕНДАРЬ РЕЖАСИ

Лойиҳа ташкилотининг номи – **«Самойўллойиҳа» маъсулияти чекланган жамияти**

Буюртмачи ташкилотининг номи – **Навоий вилояти хокимияти Ягона Буюртмачи Хизмати Инжиниринг Компанияси**

Т/р	Шартнома бўйича ишлар (босқичлар) номи	Бажариш муддати		Ҳисоб-китоб нархи
		бошланиши (йил, ой)	якунланиши (йил, ой)	жами (минг сўм)
1	2	3	4	5
1.	**Томди тумани Янги Томди «Томдибулоқ» ОФЙ қўрғони кўчасининг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш объекти лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш ва муаллифлик назоратини олиб бориш (Топосиёмка, диогностика ва Давлат экспертиза хулосаси харажатлари билан) учун**	аванс тушган сана	аванс тушгандан сўнг бир ой	**36 850,000** шу жумладан 15% ҚҚС **4806,0**

Изоҳ: «**Лойиҳаловчи**» шартнома имзоланган муддатига ва унинг ҳисоб-рақамига аванс тушган санага қараб, ишларни бажаришни бошлаши ва тугаши муддатларини ўзгартириш ҳуқуқини сақлаб қолади.

«Лойиҳаловчи»
ташкилот раҳбари

_____ **Н.Норматов**

М.Ў.

«Буюртмачи»
ташкилот раҳбари

_____ **А.Турдиев**

М.Ў.

2022 йил «28» 04 даги
04/22-сон шартномага
3-сон илова

Томди тумани Янги Томди «Томдибулоқ» ОФЙ қўрғони кўчасининг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш объекти лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш ва муаллифлик назоратини олиб бориш (Топосиёмка, диогностика ва Давлат экспертиза хулосаси харажатлари билан) бўйича шартнома нархи ва қўшимча харажатларнинг
АСОСЛАНИШИ

Лойиҳа ташкилотининг номи – **"Самойўллойиҳа" МЧЖ**

Буюртмачи ташкилотининг номи – **Навоий вилояти хокимияти Ягона Буюртмачи Хизмати Инжиниринг Компанияси**

Т/р	Харажатлар номи	Харажатларнинг асосланиши ва ҳисоб-китоби	Нархи минг сўмда
1	2	3	4
1	Томди тумани Янги Томди «Томдибулоқ» ОФЙ қўрғони кўчасининг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш объекти лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш ва муаллифлик назоратини олиб бориш	953 060,3 x2.81	26781,00
2	Топография ва гология		5530,000
3	Экспертиза		1338,232
4	Диагностика хулосалари		3200,5
	Жами		**36 850,000**
	Шундан ҚҚС 15%		**4806,00**

Якуний келишилган нарх: ҚҚС билан 36 850 000 (ўттиз олти миллион саккиз юз эллик минг) сўмни ташкил этади, шу жумладан 15% - ҚҚС – 4 806 000 (тўрт миллион саккиз юз олти минг) сўм.

"Самойўллойиҳа" МЧЖ директори: _____ **Н.Норматов**

2022 йил «28» 04 даги
04/22-сон шартномага
4-сон илова

Томди тумани Янги Томди «Томдибулоқ» ОФЙ қўрғони кўчасининг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш объекти лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш ва муаллифлик назоратини олиб бориш (Топосиёмка, диогностика ва Давлат экспертиза хулосаси харажатлари билан) га

СМЕТАСИ

Лойиҳа ташкилотининг номи – **"Самойўллойиҳа" МЧЖ**

Буюртмачи ташкилотининг номи – **Навоий вилояти хокимияти Ягона Буюртмачи Хизмати Инжиниринг Компанияси**

№№ п/п	Виды работ	Обоснование применяемой расценки	Расчет стоимости	Стоимость, *тыс.сум*
1	2	3	4	5
	Томди тумани Янги Томди «Томдибулоқ» ОФЙ қўрғони кўчасининг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш объекти лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш ва муаллифлик назоратини олиб бориш (Топосиёмка, диогностика ва Давлат экспертиза хулосаси харажатлари билан) Ориентировочная стоимость Реконструкция и пристройка к зданию (953 060,3 минг сум. с НДС)	Положение о порядке определения стоимости ПИР. Утверждено Приказом Министерством строительства РУз № 3180 от 09.09.2019 г. Положение о порядке определения стоимости проектно-изыскательских работ. Утверждено Постановлением Госархитектстроя РУз №396 от 19.08.2019 г.	Спсд = 953 060,3	36 850,0
	Итого:			**36 850,0**

Смета бўйича жами ҚҚС билан 36 850 000 (ўттиз олти миллион саккиз юз эллик минг) сўмни ташкил этади, шу жумладан 15% - ҚҚС – 4 806 000 (тўрт миллион саккиз юз олти минг) сўм.

"Самойўллойиҳа" МЧЖ директори: _____ **Н.Норматов**